

**САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 02/30.12.2019.San.51.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

ЮСУПОВА НАТАЛЬЯ ЮРЬЕВНА

**БАДИИЙ ОБРАЗ АУДИОВИЗУАЛЛАШУВИ
ИЖОДИЙ МУАММО СИФАТИДА**

17.00.03 - Кино санъати. Телевидение

**Санъатшунослик фaйлари буйича фaлсафа доктори (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Санъатшунослик бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
искусствоведению**

**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation on art
history**

Юсупова Наталья Юрьевна

Бадий образ аудиовизуаллашуви ижодий муаммо сифатида.....3

Юсупова Наталья Юрьевна

Аудиовизуализация художественного образа
как творческая проблема..... 23

Yusupova Natalya Yuryevna

Audiovizualization of art image as a creative problem..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 02/30.12.2019.San.51.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

ЮСУПОВА НАТАЛЬЯ ЮРЬЕВНА

**БАДИЙ ОБРАЗ АУДИОВИЗУАЛЛАШУВИ
ИЖОДИЙ МУАММО СИФАТИДА**

17.00.03 - Кино санъати. Телевидение

**Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**



Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №2019.2.PhD/San27 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб - саҳифасида (www.fineartins.uz) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хамидова Марфуа Азизовна
санъатшунослик фанлари доктори,
профессор

Расмий оппонентлар:

Тешабаев Джуро Тешабаевич
санъатшунослик фанлари доктори,
профессор

Қорабоев Усмон Хосилович
фалсафа фанлари доктори,
профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат хореография академияси

Диссертация ҳимояси Санъатшунослик институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.San.51.01 рақамли илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил 11 май куни соат 11:00 даги мажлисида бўлиб утади (Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2. Тел.: (99871) 2391771; e-mail: siti1928@mail.ru).

Диссертация билан Санъатшунослик институти кутубхонасида танишиш мумкин (рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2. Тел.: (99871) 2391771.

Диссертация автореферати 2021 йил "29" 04 куни тарқатилди.
(2021 йил " " даги рақамли баённомада)



А.А.Хакимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик илмий кенгаш раиси, санъатшунослик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги

Н.Г.Каримова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, санъатшунослик фанлари доктори, катта илмий ходим

И.А.Мухтаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, санъатшунослик фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда мазмун ва шакл, тарихий ва назарий, технология ва методология нуктаи назаридан оммавий кизикиш уйғотаётган аудиовизуал санъат дунё маданияти тизимида ҳам анъанавий, ҳам янги талкин концепциялари билан боғлиқ равишда муҳим ўрин тутмоқда. Тобора шаклланиб, такомиллашиб, битмас-туганмас бадий-техник захираларини намоён этиб бораётган мазкур соҳа жамиятнинг маънавий-ахлоқий, этик-эстетик шаклланишига катта таъсир кўрсатмоқда. Шу жиҳатдан ҳам бадий образ аудиовизуаллашуви кино ва телевидение, Интернет соҳаларидаги ижодий ва технологик инновациялар шароитида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон санъатшунослик илми олдига бадий таҳлил нуктаи назаридан экран санъати шаклларидаги атрибутив, ғоявий-мавзуий, шунингдек, бадий-образли тизимлари хусусиятларини очиб бериш, бир қатор омилларнинг умумийлиги ва детерминистиклиги асосида маълумотларни ёритиш каби вазибаларни кўймоқда. Айни пайтда замонавий аудиовизуал ишлаб чиқариш методологик-услубий масалаларини англаш ва мазкур соҳа кўплаб тенденциялар асосида ривожланаётганини асослаб беришга киношунослик илми олдида турган долзарб вазибалардан бири сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистонда кинематография ва телевидение ҳамда аудиовизуал соҳаларини замонавий талаблар асосида ривожлантиришга сўнги йилларда алоҳида эътибор берилмоқда. “Маҳаллий кино саноати миллий маданият ва санъатни ривожлантиришга, ёшларни садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, кекса авлодга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишга бебаҳо ҳисса қўшмоқда. Кино инсон билимини орттиришда муҳим роль ўйнайди, унинг бой мазмуни эса аҳолининг билимдонлик даражасига бевосита таъсир қилади”¹. Бу борада аудиовизуал шакллар ҳамда миллий кино ва телевидение, интернет соҳаларининг узвий алоқадорлиги, миллий экран асарларининг муҳитини бойитиш ва ғоясини аниқ ифодалаш аудиовизуал ифода воситаларининг уйғунлиги, экран асарларида образлар эмоционал ҳолатининг ёркинлигига овоз ва тасвирни синтезлаш орқали эришиш мумкинлиги каби йўналишларда илмий-тадқиқотларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3022-сон “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2017 йил 7 августдаги ПҚ-3176-сон “Миллий кинематографияни янада ривожлантириш тўғрисида”ги, 2018 йил 24 июлдаги ПҚ-3880-сон “Миллий кинематографияни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 июлдаги ПҚ-3880-сон “Миллий киноиндустрияни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида // Халқ сўзи, 2018. 25 июль.

янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 372-сон “2018-2019 йилларда замонавий кинотеатрларни яратиш бўйича чоратadbирлар тўғрисида”ги қарорида ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши ва устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аудиовизуал санъатнинг дунёга келиши ва тараккий этиши тарихи, “аудиовизуал маданият” технологияси ўзига хос хусусияти ва табиати тўғрисида М.Маклюэн, Ж.Гибсон, Н.Б.Кириллова, бир қатор муаллифларнинг “Янги аудиовизуал технологиялари” китобида ҳамда В.Розиннинг қатор асарларида мулоҳаза юритилади². Э.А.Петрова ва Т.В.Астафьева, Т.Ю.Серикова, В.И.Шевченко, Т.Ю.Казарина, Р.Ю.Порозов, М.К.Яо, А.А.Хлызова, А.Г.Соколов кабиларнинг мақолаларида аудиовизуал шаклларнинг назарий, методологик, технологик асослари хусусида сўз боради³.

Кино ва телевидение соҳалари алоҳида тарзда у ёки бу ижодий муаммолар контекстида тадқиқ этилган бўлиб, улар Э.Г.Багиров, Э.Г.Багиров ва И.Г.Кацев, В.И.Михалкович, В.Цвик, В.М.Вильчек ва Ю.В.Воронцова, Н.Л.Горюнова,⁴ шунингдек, Х.Абулқосимова, Ж.Тешабоев, А.Каримов, М.Мирзамухаммедова, А.Убайдуллаев, Х.Акбаров, М.Мухаммедов,

² Маклюэн М. Понимание медиа: Внешние расширения человека: Пер. с англ. В. Николаева, закл. ст. М. Вавилова / М.: Жуковский: КАНОН-пресс-Ц, Кучково поле, 2003; Гибсон Дж. Экологический подход к зрительному восприятию. - М.: Прогресс, 1988; Кириллова Н.Б. Аудиовизуальные искусства и экранные формы творчества. - Екатеринбург: Изд. во Урал. Ун-та, 2013; Разлогов К.Э. Новые аудиовизуальные технологии. - М.: Дрофа, 2011; Розин В.М. Визуальная культура и восприятие. Как человек видит и понимает мир. - М.: URSS, 2016.

³ Петрова Э. А., Астафьева Т. В. Аудиовизуализация режиссерской идеи как художественная технология зрелища // Молодой ученый. - 2016. - №9; Серикова Т.Ю. Трансформация понятий «визуальный» и «художественный» образы в современной культуре // Известия алтайского государственного университета - 2010. - №№2-1; Шевченко В. Е. Теоретические основы визуальной коммуникации // Научные ведомости Белгородского государственного университета – Серия Гуманитарные науки – № 20 (163). - Выпуск 19. – 2013; Казарина Т.Ю. Современная культура в визуальном пространстве// Вестник Кемеровского государственного университета культуры и искусств. - 2015. - №30; Порозов Р.Ю. Визуальное как доминанта современной культуры // Политическая лингвистика – 2011; Яо М.К. Визуализация как тенденция форм культуры, искусства, коммуникации/ Яо М.К., Бородина, С.Д.; Еманова Ю.Г.// Филология и культура.-2011.-№ 26. Хлызова А. А. Методика анализа аудиовизуальных образов, репрезентируемых телевидением// Известия Уральского федерального университета. - Сер. I, Проблемы образования, науки и культуры. - 2012. - № 4 (107); Соколов А.Г. Природа экранного творчества: Психологические закономерности. - М.: ЧеРо, -1997.

⁴Багиров Э.Г. Место телевидения в средствах массовой информации и пропаганды М.: Изд-во МГУ, 1987; Багиров Э.Г., Кацев И.Г. Телевидение. XX век М.: Искусство, 1968; Михалкович В.И. О сущности телевидения. - М.: ВИПК, 1999; Цвик В. Телевидение: системные характеристики. - М.: Изд-во МГУ, 1999; Вильчек В.М., Воронцов Ю.В. Телевидение и художественная культура. М.: Знание, 1977; Горюнова Н.Л. Художественно-выразительные средства экрана. - М.: ИПК, 1998;

Ф.Файзиёва, В.Абляева, Н.Каримова, Г.Рахматқариева каби муаллифлар асарларида ўз ифодасини топган⁵.

Шу билан бирга, юкоридаги масалалар С.Хайтматова, Н.Қурбонбоева, Н.Каримова, Ф.Файзиёва, И.Рахматуллаева, Г.Рахматқариева тадқиқотларида ҳам акс этган⁶.

Санъатнинг экран шакли ифодаловчиси сифатидаги кино, телевидение, радио ва ультразамонавий объектлар, ижодий жараён сифатидаги бадиий образли аудиовизуализацияси ўзининг назарий ва амалий (ижодий, тарғибот, педагогик) аҳамиятига қарамай, мустақил илмий муаммо сифатида ажралиб чиқмаган. Эcran санъатлари бир қатор омилларнинг умумийлиги ва детерминистиклик асосида комплекс ўрганилган асарлар мавжуд эмаслигини ҳам таъкидлаш лозим.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А-1-019 “Ўзбекистон экран-саҳна санъати: 100 йиллик тарих (социодинамик аспектлар)” мавзусидаги амалий илмий лойиха доирасида бажарилган (2015-2017 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади бадиий образ аудиовизуаллашувининг маданий-тарихий, назарий ва методологик-услубий жиҳатларини очиб бериш ҳамда аудиовизуаллашув воситасидан миллий кино ва телевидение, Интернет соҳаларида самарали фойдаланиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аудиовизуал тил табиати, шу жумладан, унинг ички тузилиши ва бадиий-образли соҳаларни актуаллаштириш воситаларини асослаш;

ижодий ва техник компонентларни профессионал вазифаларни амалга ошириш жиҳатидан тавсифлаш;

глобаллашув шароитида аудиовизуал системалар идентификацияси ва ўз-ўзини ривожлантириши муаммоларини таҳлил қилиш;

⁵Абул-Қасимова Х. Рождение узбекского кино. Т. Фан, 1965; Тешабаев Д. Узбекское кино: традиции и новаторство. - Т. Изд-во лит. и иск., 1979; Каримов А. Телевидение Узбекистана. - Ташкент: Фан, 1993; Абул-Қасимова Х., Тешабаев Д., Мирзамухамедова М. Кино Узбекистана. - Ташкент: Изд-во им. Г. Гуляма, 1985; Убайдуллаев А. Горизонты телевидения. - Ташкент: Фан, 1993; Акбаров Х. Кино ва телевидение оламида. - Тошкент: Ё. Гулом номидаги нашр., 1999; Мухаммедов М. Режиссура асослари. - Тошкент: УДСИ, 2008; Мухамедов М., Ф. Файзиёва, В. Абляева. Телевидение асослари. - Тошкент: УДСИ, 2008; Каримова Н. Игровой кинематограф Узбекистана. - Т. San'at, 2016; Рахматқариева Г. Национальное телевидение в социокультурном пространстве: теория и практика. - Ташкент, 2017.

⁶Хайтматова С. Становление и развитие телевизионного художественного кино в Узбекистане: Автореф. дисс. ... канд. искусств. - Л., 1987; Курбанбаева Н. Телевизионный театр Узбекистана: к проблеме адаптации литературно-драматических произведений на телевизионном экране»: Автореф. дисс. ... канд. искусств. - Ташкент, 1995; Каримова Н. Молодой герой узбекского игрового кино. 1960-1990 гг.: Автореф. дисс. ... канд. искусств. - Ташкент, 1997; Каримова Н. Становление и развитие игрового кинематографа Узбекистана: Автореф. дисс. ... докт. искусств. - Ташкент, 2019; Ф. Файзиёва («Ўзбекистон Бадиий телевидениесининг шаклланиши (1956-2000 йиллар): Автореф. дисс. ... канд. искусств. - Ташкент, 1997; Рахматуллаева И. Ўзбекистон телевидениесида ёшлар курсатувлари. Автореф. дисс. ... канд. искусств. - Ташкент, 2007; Каримова Н. Становление и развитие игрового кинематографа Узбекистана: Автореф. дисс. ... докт. искусств. - Ташкент, 2019; Рахматқариева Г. Социокультурная эффективность художественных ресурсов и специфика Национального телевидения»: Автореф. дисс. ... докт. философ. PhD. - Ташкент, 2019.

аудиовизуал санъатларнинг универсал ва специфик ўзига хосликларининг жаҳон ва миллий маданият доирасидаги ўрнини аниқлаш;

Ўзбекистон экран санъатининг кейинги тараққиёт йўли ва шароитларини ифодалаш;

мазкур тадқиқот муаммоси билан боғлиқ тушунчага оид илмий аппаратни ишлаб чиқиш;

бадий образ аудиовизуаллашуви ижодий муаммо илмий ечим юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида экран образини яратишда ижодий ва технологик компонентларни бирлаштирган товушли-визуал синтез юзага келиши ҳамда ривожига жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети дунёнинг аудиовизуал манзарасининг тарихий-маданий омиллари ва ходисалари, экран санъатининг турлари ва жанрлари, конкрет товушли-визуал ифодада бадий образ яратиш масалаларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда комплекс, типологик, таркибий-вазифавий, қиёсий, контекстуал, таҳлил (морфология, синтаксис, семантика) каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аудиовизуал шаклларнинг юзага келиши ва ривожланиш жараёнлари тасвир ва овоз технологиялари, бадий ижоднинг ўзаро синтезидан иборат бўлгани сабабли миллий кино ва телевидение, Интернет соҳаларидаги ижодий ва технологик инновациялар билан узвий алоқадорликда кечгани далилланган;

бадий образ яратиш жараёнида бадий-ижодий максادلарга эришиш учун аудиовизуал тилнинг табиати, ички тузилиши ва бадий-образли воситаларини тўлақонли акс этишига хизмат қилувчи “поэтик тил” ва “хужжатли усул” тушунчалари аниқланган ва таснифланган;

аудиовизуал режиссёрлик изланишлари ўзида жамиятни янги ахборот билан таъминловчи ахборот-коммуникатив, муайян кадриятлар мажмуини мужассам этувчи норматив-ғоявий ва сюжет динамикасини шакллантирувчи драматик-ифодавий вазифаларни “миллий менталитет” кесимида намоён этиши далилланган;

миллий экран асарларининг муҳитини бойитиш ва ғоясини аниқ ифодалаш аудиовизуал ифода воситалари - мусикий лейтмотив, визуал ифодавийлик, бадий монтаж каби ўзига хос технологик ва ижодий хусусиятга эга унсурларининг уйғунлигига эришиш билан боғлиқлиги асосланган;

экран асарларида мажозий-поэтик, тарихий-реалистик, замонавий-романтик образлар тизими мавжудлиги ва мазкур образлар эмоционал ҳолатининг ёрқинлигига аудиовизуал ифода воситаларини синтезлаш орқали эришиш мумкинлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хулоса ва тавсияларнинг ёш сценарийнавислар, сахналаштирувчи режиссёрлар, операторлар, рассомлар, композиторлар, овоз

режиссёрларининг касбий фаолиятида, тасвирга олиш ва овозлаштириш, монтаж жараёнларида қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

визуаллаштириш, овозлаштириш ва рақамлаштиришнинг янги шакллари кино, телевидение, оммавий томошалар, компьютер дастурларининг замонавий амалиётларида қўллаш бўйича тавсиялар ёш ижодий кадрларга профессионал таълим бериш жараёнларида қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган натижаларнинг ОАВ, жумладан, махсус журналларда материаллар чоп этилгани, илмий тўпламлар ва хорижий нашрларда мақолалар эълон қилингани, республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтказилгани ҳамда таклиф ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф, тавсия ва хулосалар бадий образ аудиовизуаллашувининг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришга, “аудиовизуаллашув методологик асослари” илмий концепциясини яратишга, “Қино назарияси ва тарихи”, “Телевидение назарияси ва тарихи”, “Радио назарияси ва тарихи” фанлари бўйича назарий-услубий ишланмаларни тайёрлашга, экран ижодининг технологияси ва методологияси шаклланишига, техноген санъати соҳасида илмий-амалий фаолиятни мувофиқлаштиришга, кинематография ва телевидениенинг назарий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ижодий кадрларни тайёрлаш жараёнида экран асарларини суратга олиш ва овозлаштиришда бадий образни мукамаллаштириш, режиссёрлик топилмалари ва ижодий изланишлар чегарасини кенгайтиришга, техноген санъати соҳасида илмий-амалий фаолиятни мувофиқлаштириш, кинематографик ва телевизион амалиётни такомиллаштиришга ҳамда “Художественная культура, искусство в аспекте теоретического осмысления” ва “Творческие, функциональные и технологические процессы аудиовизуализации экранного языка” мавзусидаги илмий материалларнинг “Овоз режиссёрлиги” ихтисослиги бўйича ўқув курслари мазмунини бойитишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бадий образни аудиовизуаллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

аудиовизуал режиссёрлик изланишлари ўзида жамиятни янги ахборот билан таъминловчи ахборот-коммуникатив, муайян кадриятлар мажмуини мужассам этувчи норматив-ғоявий ва сюжет динамикасини шакллантирувчи драматик-ифодавий вазифаларни “миллий менталитет” кесимида намоён этиши далилланган хулосалардан “Ўзбеккино” Миллий агентлиги буюртмаси асосида суратга олинган “Бекатдаги одам” ва “Ҳайрат” бадий фильмлари режиссёрлик сценарийларини яратишда фойдаланилган (“Ўзбеккино” Миллий агентлигининг 2020 йил 7 январдаги 01-05/07-16-сонли маълумотномаси). Натижада мазкур фильмларда яратилган тўлақонли бадий

образлар, ишончли муҳит ва эмоционал таассурот томошабинларнинг маънавий олами ва эстетик дидининг шаклланишига хизмат қилган;

миллий экран асарларининг мухитини бойитиш ва гоёсини аниқ ифодалаш аудиовизуал ифода воситалари - мусикий лейтмотив, визуал ифодавийлик, бадиий монтаж каби ўзига хос технологик ва ижодий хусусиятга эга унсурларининг уйғунлигига эришиш билан боғлиқлиги асосланган илмий хулосалардан “Берлин-Оққўрғон” фильмининг режиссёрлик сценарийсини яратишда ва уни овозлаштириш жараёнида қўлланилган (“Ўзбеккино” Миллий агентлигининг 2020 йил 7 январдаги 01-05/07-16-1-сонли маълумотномаси). Натижада экран асарида аудиовизуал образлар воситасида тарихий воқелик ўзининг тўлақонли ифодасини топиб, ёш томошабинлар қалбида чуқур ватанпарварлик ҳисларининг шаклланишига хизмат қилган;

экран асарларида мажозий-поэтик, тарихий-реалистик, замонавий-романтик образлар тизими мавжудлиги ва мазкур образлар эмоционал ҳолатининг ёркинлигига аудиовизуал ифода воситаларини синтезлаш орқали эришиш мумкинлиги исботланган хулосалардан Ёш томошабинлар театрида саҳналаштирилган “Оловиддин” спектаклига асос бўлган медиа-макон инновацион лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 16 январдаги Т01-12-14-195-сонли маълумотномаси). Натижада спектаклнинг эзгулик доимо ёвузлик устидан ғалаба қозониши ҳамда инсон доимо тоза қалб билан ҳаёт кечириши билан боғлиқ эзгу гоёлари ёш томошабинлар қалби ва онгида янада теранроқ акс этиб, спектаклнинг ривожланиб бораётган замон талаблари асосида саҳналаштирилишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияси асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та, хорижий журналларда 3 та илмий мақола нашр этилган. Улардан бири – импакт-факторли.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация Кириш, 3 Боб, 7 Параграф, Хулоса, Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва Терминологик лугатдан таркиб топган бўлиб, умумий ҳажми 148 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиғи, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, методлари ва илмий янгилиги, ўрганилганлик даражаси, илмий ва амалий аҳамияти асосланган. Тадқиқот ишининг ишончилиғи ва натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси ва тузилиши баён этилган.

Диссертациянинг “**Аудиовизуал образ тушунча ва ғоявий-бадий натижа сифатида**” номли биринчи боби иккита параграфдан иборат: 1.1. “Аудиовизуал образ нимани ифода этиши хусусида. Муаммони илмий англаш тажрибасидан”, 1.2. “Аудиовизуал маданият – коммуникациянинг янги парадигмаси”. Мазкур бобда аудиовизуал образнинг фанда қарор топган тушунча ҳамда ўзининг маълум ғоявий-бадий нияти, ифода воситалари, ўзига хос шарт-шароитлари ва татбиқ этиш усуллари билан ижодий натижа сифатида кенг тавсифи берилади.

Кўп асрлик илдиларга эга ва бевосита қабул қилинадиган аънавий шакллардан фаркли тарзда нафакат овоз, тасвир билан ифода этиш, балки томошабин томонидан идрок этиш сифатини ошириб, XIX аср охири – XXI аср бошлари техник кашфиётлари билан узвий боғлиқликда шиддат билан ўзгараётгани, такомиллашаётгани аудиовизуал санъатнинг хусусиятидир.

Аудиовизуал санъатлар – янги илмий-техник ва профессионал ютуқларни камраб олган махсус техник мосламалар ёрдамида рўёбга чикиб, экран ижоди турлари тоифасига қиради. Аудиовизуал санъатларнинг синтетик табиати, ўзига хослиги, ижтимоий аҳамияти айнан шу билан белгиланиб, экран асарининг контекстуал, концептуал ва томошавий асоси сифатидаги овоз-тасвир синтези бирлигини ўзида ифода этади.

Материални ёзиб олиш, қайта ишлаш ва трансляция қилиш жараёнларини ўз ичига олган “аудиовизуализация” тушунчаси тасвир ва овоздан таркиб топган, экранда ретрансляция қилинадиган ҳамда ғоявий-бадий кимматга эга томошалар билан боғлиқ ҳолда долзарблашмоқда. Мазкур ёзиб олишнинг техноген усуллари пойдевори – фотография билан бошланиб, у борликни акс эттириш бўйича аънавий воситалар фониди “инкилоб”ни юзага келтирди.

Кейин аудиовизуал образ тўлақонли ифодасини топган оқ-қора овозсиз, овозли, рангли кинематограф ва телевидение даври бошланиб, унинг асосида техносфера билан ўзаро таъсирда амалга ошадиган бадий ният; мос воситалар (техник, моддий, табиий, атрибутли) мажмуи; керакли ўзанга йўналтириб у ёки бу ижодий вазифани ҳал этадиган методологик йўллар ўрин олган.

Аудиовизуал маданиятнинг юзага келиши, ўзлаштирилиши ва ривож масалаларини камраб олган муҳим жиҳатларга, шунингдек экран тили хусусиятларига М.Маклюэн, Н.Кириллова, Ю.Лотман, Ю.Цивьян, К.Разлогов, Ж.Гибсон каби тадқиқотчиларнинг асарлари бағишланган.

Глобализация, техника ва ижод алокалари, дунёда қадимги иероглиф тизимидан замонавий ёзувгача бўлган ўзгаришларга тааллуқли муаммолар бадий ахборотнинг инсон томонидан идрок этилиши нуктаи назаридан ёритилиши мазкур ишларни экран санъати тарихи ва назарияси соҳасида бекиёслигини белгилаб беради.

В.Розин, М.Яо, Т.Казарина, Э.Петрова, Т.Астафьева, Т.Серикова Р.Порозов тадқиқотлари “аудиовизуал синкретизм”, “мантиқий ва ҳиссий идрок”, “образли фикрлаш”, “руҳий инструментал хатти-ҳаракат”, “санъат шакллари визуаллаштириш”, “визуал макон”, “замонавий маданиятни визуаллаштириш” тушунчалари маъносини англаш юзасидан эътиборли бўлиб, у ўз навбатида, тадқиқот объекти чегараларини кенгайтиради, ижодий изланиш учун беҳад имкониятлар ва истикбол йўлини очиб беради.

Бироқ овоз ва тасвир компонентларининг яхлит бирлигини ташкил этиш, бу жараённинг замонавий технологик инновациялар шароитида тадрижий ривожланиши ҳар бир давр оралиғи олдига босқичма-босқич қўйган муаммоларни ва вазифаларни максимал аниқлаш масалалари илмий ва ижодий англаш жиҳатидан ҳамон очик қолмоқда.

Аудиовизуал образлиликнинг ибтидоси унинг техник кашфиётлар, материал сифати, ғоявий-бадий вазифаларни ҳал этиш воситалари ва усуллари ҳамда истемолчилар оммаси талабига боғлиқ.

Фототасвирнинг оддий овозсиз шаклидан жонли ҳис-туйғулар, кечинмалар, фикрларни ифодаладиган, ўзида мулоҳаза, ғўзаллик, ҳиссиётни акс эттириб, бир вақтнинг ўзида нафақат техник, балки бадий салоҳиятни юзага чиқарадиган тўлақонли экран санъатигача бўлган билан боғлиқ трансформациялар оддий жараён эмас.

Бу фазалар ва топилмалар, изланишлар ва кашфиётлар, мактаблар ўзининг захиралари, таъсир этиш шаклларига эга экран тили эстетикаси шаклланишининг мураккаб йўлидир. Бунда нафақат техник инновациялар, балки анъанавий санъат салоҳияти ҳам долзарблашади.

Кинематографда ижодий фикрнинг ривожланиши, кино усталарининг экранда рўй бераётган воқеаларга томошабин эътиборини максимал жалб этиш истаги янги техник воситалар ва усуллар, жумладан, ранг, колорит, стереоскопия, голография, овознинг жаранглаши, ҳозир бўлишлик эффектини излаш ҳамда ишлаб чиқишни рағбатлантиради.

Аудиовизуал маҳсулотнинг ноёблиги унинг бадий ечим, жанр хилма-хиллиги, техник параметрлар: тасвир ва овоз сифати, экран ўлчами, махсус эффектлар ва бошқаларнинг қизиқарли эканлиги билан изоҳланади.

Техника ва ижоднинг ўзаро таъсирида ягона алгоритм мавжуд эмас. Фотография, кинематограф, радио, телевидение, Интернет, мультимедиа технологияларининг ҳар бири ўз йўли билан экран шакллари табиатига путур етказмайдиган соҳадаги янгиланишлардан фойдаланиб, ижодий ва техник компонентларнинг турли вақт ҳисоби ҳамда фоиз нисбатидан келиб чиққан ҳолда ривожланиди.

Диссертация ишининг “Аудиовизуализация иждий жараён сифатида: манбалар, фаразлар, ечимлар” номли иккинчи боби 3 параграфдан иборат: 2.1. “Аудиовизуал образликининг тарихий ретроспективаси”; 2.2. “XX аср 20-40-йилларида экран шакллариининг ўзлаштирилиши ва мазкур жараёнда радионинг роли хақида”; 2.3. “1950-1980-йилларда экран тили визуал ва аудиал аспектда”.

1850 — 1920-йиллар бошлари аудиовизуал санъатлар тарихида замонавий аудиовизуал шакллардан хали йирок бўлган, аммо одамларга ёруглик, яхшилиқ, орзу улашадиган ҳаёт кўзгуси хақидаги тасавурларига монанд янги санъат турларининг мавжуд бўлиш имкониятлари хусусидаги фикрнинг босқичма-босқич юзага келиши, изланишлар ва тадрижий ўзлаштириш жараёни даври бўлиб қолди. Бу, ёркин келажакка интилиш йўлидаги жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ҳаётида юз берган илмий-техник кашфиётлар сабабли ойдинлашиб борди. Мазкур давр механика ва оптика, овоз ёзиш ва эшиттириш соҳасидаги муҳим кашфиётлар, техник ускуналарни такомиллаштириш ва фойдаланишда нисбатан қулай вариантларни излаш билан бой бўлди.Объектни қайд этадиган фотографик аппарат кашфиёти инсоннинг атроф-оламни идрок қилиши нуктаи назаридан нафақат таянч нукта, балки ўзгарувчан лаҳзасига айланди. Кадрларни “хатти-харакатдаги тасвир”га айлантирувчи бу каби ускуналарнинг кейинги модификацияси визуализацияга асос бўлди.

Аудиовизуал шакллар ривожланишидаги кейинги поғона 1884 йилда тасвирни фоноавтографга фонограмма ёрдамидаги (қулоқчин билан эшитилган) ёзув билан боғлашга уриниш ҳисобланади ҳамда у кейинчалик хатти-харакат ва овоз бирлигига туртки берди.Визуаллаштириш соҳасида илк бор 1895 йили юзага келиб, овоз жўрлигидаги тасвирнинг содда шаклларидан (тапёрлар, шархловчилар, декламациячилар иштирокида) дунёга экран санъатининг янги турларига замин бўлган кейинги аудиовизуализациянинг барча техник янгиланишларини ўзида синаб кўрган кинематограф муҳим ютуқ бўлди.Кадрга киритилган титрлар, ёзув материаллари изоҳловчи, тўлдирувчи, баён этувчи компонентлар сифатида хизмат қилди. Келажак микрофонлари учун “суюк” ўзгартиргич кашф этилиши кинематографни овозли, мусикий-шовкин безак ва дубляж технологияси билан таъминлади.

XX аср 20-40-йилларига оид экран тили – бу дунёни нафақат визуал, балки овозли манзараси бўлиб, у овоз ва тасвир яхлитлиги воситасида бадий образ яратиш жараёни сифатидаги аудиовизуализация хақида конкрет тасавурлардан иборатдир.

Тасвирийлик нуктаи назардан планлилик, перспектива каби усуллар, шунингдек, монтаж (ички кадрли, параллел) ривожланиб, монтажли улаш, монтажли-ритмли таққослаш, кадрдаги алоҳида деталларни қўлда безаш фильмнинг баёнчиликдан холи фикрий асосини ташкил этади.

Экраннинг аудиализацияси соҳасидаги эътиборли ўзгариш Й.Мазоле, Х.Фогт, Ж.Энгле каби муҳандислар томонидан кашф этилган “Уч Эргон” (1923) овоз тизими ҳисобланади. А.Кросслендинг “Жаз хонандаси” (1927)

номли илк овозли фильмнинг экранларга чиқиши билан овозли фильмларнинг овозсизи устидан тижорий устун бўлишига пойдевор қўйилди.

1926–1929 йилларда илк электродинамик ва электростатик овоз радиокарнайлар, 1929 йили дастлабки лампали кучайтиргичлар, 1931–1933 йилларда овозлаштириш учун акустик тизимлар пайдо бўлиб, юкори аниқликда овоз ёзиш ва эшиттиришни амалга ошириш ҳамда овоз ва тасвирни синхронлашни таъминлаш имкони юзага келди.

А.Усольцев-Гарфнинг “Қасам” (опер. В.Симбирцев, комп. А.Князевский, 1937) фильми – Ўзбекистондаги илк овозли фильмдир. Technicolor ноёб технологиясининг яратилиши – 1935 йили Р.Мамулянинг “Бекки Шарп” (АҚШ) номли илк тўлик метражи рангли фильм суратга олинишига сабаб бўлди. Бу билан рангни акс эттириш ва ёзиш тизимлари учун такомиллашган ташувчи ускуналар ишлаб чиқарила бошланди.

Бадий образ аудиовизуализацияси жараёнида радиоузатиш муҳим роль ўйнади. У фойдаланишда содда ҳамда узок масофаларга сигнал узатиш имкониятига эга бўлган кўринмас экран вазифасини бажарар экан, аудиовизуал тилнинг шаклланишига, овозли драматургия ва режиссура, овозли образ, овоз ва шовкинли эффектлар юзага келишига хисса қўшди.

Телевидениеда мазкур даврда тез суръатда ривожланган тасвир узатишнинг техник асослари ўзлаштирилди; бу билан параллель равишда тўғридан-тўғри эфир, жонли репортаж каби ТВ жанрлари юзага келди. Овоз-техник ва оптик-техник хизматларнинг такомиллашиб бориши, микрофон, аудиоколонка, плёнкарлар ишлаб чиқарилишининг ўсиши телеэкранни аудиовизуал ижоднинг ноёб махсулоти сифатида ривожланишини рағбатлантирди.

Кинематограф материаллари ретрансляцияси ва ўз махсулотларини (телефильмлар, телесериаллар) ишлаб чиқариш – ТВнинг мустақил мавжуд бўлиши ҳамда ўз йўли ва воситаларини излаш ҳуқуқини таъминлади. Ўз навбатида, кинематограф анъанавий (мазкур даврга келиб, шаклланган) суратга олиш усулларидан воз кечмаган ҳолда, яширин рамзлар, ўйлар, тағмаёналар билан боғлиқ янги дунёкарашдан иборат янги экран доирасида фикрлаш асосларини шакллантирди.

Буни қатор рус кинематографчиларининг ишлари, жумладан, А.Птушконинг “Садко” (опер.Ф.Проворов, овоз. В.Зорин, комп. Н.А.Римский-Корсаков, 1952), М.Калатозовнинг “Турналар учганда” ва “Юборилмаган хат” (“Летят журавли” ва “Неотправленное письмо”; опер. С.Урусевский, овоз. В.Попов, комп. Н.Крюков, 1957, 1959), В.Петровнинг “Арафа” (“Накануне”; опер. В.Радев, овоз. В.Попов, мус.сайқал А.Ройтман, 1959), шунингдек, Л.Файзиевнинг “Қутлуг қон” (опер. А.Панн, овоз. З.Предтеченская, мус. Д.Зокиров, М.Зив, 1956) фильмлари тасдиқлайди.Мазкур тоифадаги фильмлар каторига дунё киноси олтин фондига (визуал-аудиал ечимлари сабабли) кирган Й.Аъзамовнинг “Фурқат” (опер. М.Краснянский, овоз. Г.Сенчило, мус. С.Юдаков, 1959), Ш.Аббосовнинг “Маҳаллада дув-дув гап” (опер. В.Владимиров, овоз. А.Кудряшов, мус. М.Левиев, 1960), “Сен етим эмассан”

(опер. Ҳ.Файзиев, овоз. Д.Ахмедов, мус. И.Акбаров, 1962), А.Ҳамроевнинг “Ёр-ёр” (опер. Т.Рузиев, А.Малахов, овоз. К.Абдурахмонов, мус. М.Левиев, Д.Зокиров, 1964) фильмлари ҳам киради. Э.Эшмухаммедовнинг “Нафосат” (опер. Д.Фатхуллин, овоз. А.Кудряшов, комп. Б.Троцюк, 1966) ва “Севишганлар” (опер. Г.Тутунов, овоз. А.Кудряшов, комп. Б.Троцюк, 1969) фильмлари мусикий-шовкинли сайқал бўйича ёркин намуналар ҳисобланади. М.Антонионининг “Қизил сахро” (“Красная пустыня”; опер. Карло ди Пальма, мус. Ж.Фуско, В.Жельметти, 1964), И.Бергманнинг “Шивирлар ва кичкириклар” (“Шёпоты и крики”; опер. С.Ноквист, 1972) каби машхур киноасарлар мисолида экран доирасида фикрлашнинг ўзига хос ранг-ёруғлик (чирок) концепциясининг ўзига хослигини билдириш мумкин. 1980-йилларда кино жараёнига қахрамонларнинг қутилмаган қиёфа касб этиши билан боғлиқ морфинг, компоузинг каби компьютер эффектлари жорий этилиши одамларнинг томошабин сифатидаги ҳиссий идрокини ўзгартириб юборди (Ж.Кемероннинг “Терминатор” фильми, опер. А.Гринберг, мус. Б.Фидель, 1984; Ж.Кемероннинг “Тубсизлик” (“Бездна”) фильми, опер. М.Соломон, мус. А.Сильвестри, 1989).

Телевидение, ўз навбатида, махсулотларини 1953 йили Телевизион системалар Миллий қўмитаси (National Television System Committee) тасдиқлаган эфирга узатишнинг ягона стандарти бўйича ишлаб чиқаришга интилди. Дунёнинг 18 давлати (АҚШ, Канада, Япония, Лотин Америкаси, Филиппин, Жанубий Корея ва бошқалар)да қабул қилинган NTSC стандарти сабабли рангли тасвир пайдо бўлди.

1967 йилнинг 1 октябрида SECAM – Sequential Couleur avec Memoire, Sequential Color Memory стандартида, яъни рангларнинг хотира билан тадрижий узатиш тизимидаги рангли телевидениенинг мунтазам эфирга узатилиши собиқ Иттифок республикалари ҳудудларида бошланиб, эфир сифатига сезиларли таъсир кўрсатди. Тўғридан-тўғри эфир билан ёзиб олинган кўрсатувлар ёнма-ён ҳодисага айланди.

Ўзбекистон телевидение ривожланишига 1929 йил 26 июлда Борис Грабовский бошчилигида бир гуруҳ олимларнинг дунёда биринчи бор ҳаракатдаги тасвирни масофага узатиш тажрибасини ўтказиши билан ўз хиссасини қўшишида намоён бўлди. Мазкур сана ТВнинг туғилган куни деб ҳисобланади. Тошкент телестудияси 1956 йили ўз фаолиятини бошлади. Унинг дастуридан биринчи кўрсатувлар қаторида телеспектакллар ва телефильмлар ўрин олди.

Бу имконият янада ихчамлашган оптик техниканинг такомиллашиши, микрофонлар нозиклашиши ва сезгирлигининг ошиши сабабли пайдо бўлди. 1950-йилларга қадар бир камера воситасида тасмага муҳрланган ва телеэкранларда кўрсатилган тайёр театр спектакллари телеспектакль деб юритилган бўлса, илк фильм-спектакль М.Горький номли киностудиядаги Телевидение марказий студияси буюртмаси билан 1941 йили Малый театрда Б.Никольский томонидан сахналаштирилган А.Островскийнинг “Ҳақиқат – яхши, бахт ундан яхши” (“Правда - хорошо, а счастье лучше”) спектакли

асосида суратга олинди (реж. С.Алексеев, опер. Б.Монастырский, овоз. Н.Озорнов).

1969 йили ташкил этилган “Ўзбектелефильм” махсулотлари (булар Г.Шермухаммедов, М.Краснянский, А.Исмоилов ва бошқаларнинг бадний, хужжатли фильмлари, фильм-концертлари, киножурналлар, “Наштар” тележурнали) 1970-йиллардан телеэфирни тўлдириб, уни бадний кино усуллари асосида аудиовизуал образнинг баёнчилиқ, хужжатли-хроникал тилини бойитди.

Аудиовизуал вазифалар бирлиги нуктаи назаридан “Азизахон” (муал. Ж.Абдуллахонов, реж. М.Муҳамедов, опер. Ф.Алимов), “Қўғирчоқбоз” (муал. ва реж. Л.Бобохонов, опер. Ш.Жунайдуллаев), “Кузги новелла” (муал. О.Хмельницкая, реж. ва опер. Ш.Жунайдуллаев), “Шашмаком” (муал. Т.Тўла, реж. Т.Акрамов, опер. В.Лёндис), “Кўм-кўк осмон бағрида” (муал. В.Ниёзметов, А.Файнберг, реж. Л.Бобохонов, опер. О.Юсупов), “Азиз” (муал. А.Қосимов, реж. С.Аҳмадхўжаев, опер. К.Каримов) фильмларини алоҳида қайд этиш лозим.

Умуман, ўтган асрнинг 1920-1980-йиллари экран санъатлари ривожини тарихида ижод амалиётига технологик тараққиёт ва мазкур соҳадаги янги кашфиётларни жорий этиш билан боғлиқ жадал манфаатли изланишлар даври бўлди. Мазкур давр тасвир ва овоз сифатининг ўсиши туфайли экран тилининг такмиллашиши билан диққатга сазовор. Киносаноатнинг ривожини ва соҳанинг профессионаллашуви билан фантастик, тарихий, афсонавий-эпик характердаги фильмларни суратга олиш имконияти пайдо бўлди.

Ижодий фикрнинг амалга ошириши доираси кенгайди. Кинематографда ранг-овоз концепциясининг босқичма-босқич ишлаб чиқиши, радио ва телевидениенинг кашф этилиши инсоннинг инновацион ва ижодий фикрнинг намоён этиши жиҳатидан имкониятларини кенгайтириб, бу истеъдодли киносценарий муаллифлари, режиссёрлар, операторлар, овоз режиссёрлари, монтаж усталаридан иборат кадр салоҳияти ўсишига туртки берди. Турли йўналишларда фаолият юритадиган кино мактабларининг юзага келиши доимо изланишни рағбатлантириб, экраннинг ранг-баранглигини ошишига хизмат қилди. Бу эса унга дунё манзарасини ўзлаштириш, янги методикалар, вазиталар ва ижодий йўллардан фойдаланган ҳолда материални кўп жиҳатли талқин этиш нуктаи назаридан чексиз имкониятларни очиб берди.

“Замонавий овоз-визуал образининг таркибий-ифодавий ўзига хосликлари ҳақида”ги Учинчи боб 3.1. “Кино, телевидение, мультимедиа замонавий аудиовизуал маданият маконида (1990–йиллардан ҳозирги давргача)”, 3.2. “Аудиовизуал санъатлар компонентларининг функционал ва технологик хусусиятлари” номли 2 параграфдан иборат бўлиб, унда аудиовизуал ишлаб чиқаришга компьютер технологияларини жорий этиш масалалари кўриб чиқилади. Бу 3D, 4D, 5D интерфаол технологиялари ҳамда кучли ҳис этиш ва ўта сезувчанликка эришиш даражасида ҳозир бўлишлиқ эффекти ёрдамида реал воқеликни виртуал олам билан уйғунлаштириб, мураккаблиқ жиҳатидан турли материалларни амалга ошириш имконини

беради. Бунда инсон гўёки содир бўлаётган ходисага “сингиб кетади”, хатти-харакатлар, хидлар, муҳит, ҳарорат ва бошқа шарт-шароитга мос туйғу ва ҳиссиётни сезади. Бундай ҳолатда визуал қатор ҳам, экрандаги воқеани тулдирадиган овоз-шовкин эффектлари ҳам катта роль ўйнайди. Кўпгина замонавий кинофильмлар, телефильмлар, теледастурлар рақамли ишлов бериш, ранг ва ёруғлик (чирок) коррекцияси, кадрдаги кераксиз деталларни олиб ташлаш, колорит бериш ва бошқалар ёрдамида амалга ошириладиган ID (Intermediate Digital) босқичини четлаб ўтмаган.

Овоз узатиш сифати ошмоқда, аудиовизуализатор, визуализатор, рақамли ёруғлик корректори каби янги касблар пайдо бўлмоқда ва бу экран маҳсулотининг гоъвий-бадий даражасини сезиларли жихатдан мукамаллаштирамоқда.

Р.Земекиснинг “Форрест Гамп” (опер. Д.Бержесс, комп. А.Сильвестри, 1994), Ж.Кэмероннинг “Титаник” (опер. Р.Карпентер, овоз. Г.Ридстром, комп. Д.Хорнер, 1997) да рақамли техника янгиликлари илк бор татбиқ этилган. 1990-йиллардан сўнг компьютер эффектларидан фойдаланилган кинофильмлар сони сезиларли ошди.

Рақамли камералардан кино саноатида фойдаланиш рақамли видео билан суратга олинган Ж.Лукаснинг “Юлдузлар жанги” (“Звездные войны”); опер. Г.Тейлор, овоз. Б.Бёрт, комп. Ж.Уильямс; биринчи версияси қайта ишланган трилогияни ўзида акс эттирган) фильми билан боғлиқ тарзда 1997 йилдан бошланди. Бу юқори аниқликдаги электрон видеокамера билан қайд этилган, электрон йўл билан монтаж қилинган, шундан сўнг киноплёнкага ўтказилган материал эди.

“Увайсий” (реж. А.Қосимов, опер. Т.Мансуров), “Тақдир йўли” (реж. Э.Нормуродов, опер. Б.Назруллаев), “Боғ” (реж. Б.Аҳмедов, опер. К.Каримов, М.Солиев) телефильмлари мураккаб тақдирли инсонга нисбатан дардкашлик туйғу гоъяси билан йўғрилган. “Афандининг беш хотини” (муал. ва реж. Ш.Жунайдуллаев, опер. К.Каримов), “Амир Темур ва Тўхтамишхон” (реж. А.Раззоқов, опер. А.Кўчқоров) фильм-спектакллари эса телефильм ва телетеатрни яхлит ҳолида бирлаштирди.

